“Ўзавиация” агентлигининг
2021 йил 21. 05.
46 сон буйруғига
1 илова

Аэронавигация, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни назорат қилиш ва парвозларни амалга ошириш учун бир марталик рухсатномалар бериш бўлими тўғрисида

НИЗОМ

Асос:

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги 5584-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастури”ни тасдиқлаш туғрисида”ги 2014 йил 17 декабрдаги 346-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йуловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йул-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларнинг фуқаро авиацияси ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозларни амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 2020 йил 23 майдаги 324-сонли қарори.

Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси тўғрисида Низом.

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг стандартлари ва тавсиялари.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тўғрисида Низом.

1 боб. Умумий қоидалар

1. Аэронавигация, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни назорат қилиш ва парвозларни амалга ошириш учун бир марталик рухсатномалар бериш бўлими Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибига киради.

2. Аэронавигация, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни назорат қилиш ва парвозларни амалга ошириш учун бир марталик рухсатномалар бериш Бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармонлари ва қарорларига. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Транспорт вазирлигининг

топшириқлари, Агентлик Низомига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим бошлиғи, бош мутахассис – инспекторлар (парвозларни қидириш, авария – қутқарув таъминотини назорат қилиш, рейсларни радио ва электротехника билан таъминлаш, парвозларни метеорологик таъминлаш бўйича) (кейинги ўринларда бўлимнинг инспектор таркиби деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспектори мақомига эга.

4. Бўлимнинг инспектор таркибига кирмайдиган мутахассислари (кейинги ўринларда Бўлим мутахассислари деб юритилади) бевосита мажбуриятлари ва ҳуқуқлари лавозим йўриқномаларида, иш технологияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан белгиланади.

5. Бўлимнинг ташкилий тузилмаси Низомнинг иловасида келтирилган.

2 боб. Бўлимнинг вазифалари

6. Бўлим инспектор таркибиларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудини унинг фойдаланувчиларидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-мухитга, давлат манфаатларига путур етказмасдан учиш, ҳаво транспорт хизматларини ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудини ўз ваколатлари доирасида фойдаланишни ташкил этиш;

2) фуқаро авиацияси (кейинги ўринларда - ФА) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш сохасидаги сертификатлаш жараёнида иштирок этиш;

3) қуйидаги сохаларда назоратни амалга ошириш ва ташкиллаштириш:

ҳаво қатновларини ташкиллаштириш ва таъминлаш, шунингдек ҳаво ҳаракатини бошқариш;

аэронавигация, радио техника, электр техника ёритгичи, электр алоқа ва метеорологик таъминоти;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиация тизимида қидириш, кутқариш ва ёнғин химоясини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини ва бўлим фаолияти туғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

халқаро фукаро авиацияси ташкилотларининг ишида иштирок этиш, бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича бошқа давлатлар авиация маъмуриятлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

намунавий назорат дастурларини ишлаб чиқиш ва фаолият бўйича техник кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

7 Бўлим мутахассисларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси ФА аэродромларига хорижий мамлакатлар ФА ҳаво кемалари эксплуатантларидан тушган бир марталик парвозлар бўйича сўровларни ўз вақтида кўриб чиқиш;

2) “Uzbekistan Airports” АЖ билан ҳаво кемаларининг ФА аэродромига келиб тушиш слотлари ва ердаги хизмат кўрсатиши учун тўлов шаклини келишиш;

3) “Ўзаэронавигация” Маркази ДУК билан Ўзбекистон Республикаси ҳаво

майдонидан фойдаланиш учун рухсатномани келишиш;

4) “Ўзавиация” агентлигининг тегишли бўлимлари, вазирлик ва идоралар билан ҳорижий мамлакатлар ФА ҳаво кемалари эксплуатантларига махсус ва алоҳида қатновларга рухсатнома бериш бўйича қабул қилинган қарорни тасдиқлаш.

8. Бўлим мутахассисларининг навбатчилик тартиби бўлим бошлиғи ёки бўлим бош мутахассиси томонидан шакллантирилади.

3 Боб. Бўлимнинг функциялари

9. Бўлимнинг инспектор таркибининг ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1) ФА ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида ҳалкаро ФА конвенцияси (1944 йилги Чикаго конвенцияси) ва унинг иловалари талабларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқади;

2) Ўзбекистон Республикаси ФА ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурини такомиллаштииш ва амалга ошириш;

3) фуқаро ва экспериментал авиация ва умумий фойдаланиладиган (базавий) аэродромларини сертификатлашда белгиланган тартибда қатнашади;

4) Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудидан фойдаланишни бўлим ваколатлари доирасида тартибга солади ва назорат қилади;

5) ФА муассасаларининг қуйидаги талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун назоратни (инспекторлик) амалга ошириш:

6) ҳаво ҳаракатини ташкил этиш;

7) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво худудидан фойдаланишни тартибга солиш;

8) ҳаво трассаларини радио техника таъминоти;

9) парвозларни аэронавигация таъминоти;

10) парвозларнинг радио ва электр ёритгич таъминоти;

11) парвозларнинг метеорология таъминоти;

12) парвозларни қидириш, қутқариш ва ёнгин хавфсизлиги ташкил этиш;

13) бўлим фаолияти доирасида авиация ходимларини дастлабки тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини экспертизадан ўтказиш;

14) ташкилотлар фаолияти сохасидаги ва фуқаро авиация корхоналарининг хизматларида парвозлар хавфсизлигини ошириш буйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш;

15) Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи тегишли идоралар, корхоналар ва ташкилотларга ҳаво ҳаракати диспетчери ходимларини тайёрлаш қоидаларини, шу жумладан уларни текшириш ва мустақил ишлашга қабул қилиш коидаларига риоя этилишини назорат қилади;

16) Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш хизматининг амалдаги гувохномалари ва рухсатномалари мавжуд диспетчер таркибий гурухи, катта диспетчер, ҳаво ҳаракатини ташкил этиш бошқармасининг, малакавий текширувларини ташкиллаштиради ва ўтказади;

17) Ўзбекистон Республикаси ФА аэропортларида ҳаво ҳаракатини назорат қилиш хизматларида парвозлар хавфсизлигини текширишни бўлимга тегишли қисмини ўз вақтида тахлил қилади;

18) аэродромлар ҳудудида парвозлар хавфсизлигига хавф соладиган объектларнинг

жойлашувини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

19) тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари иштирокида ҳаво ҳаракатини тартибга солувчи норматив хужжатларнинг ишлаб чиқади;

20) сертификатлаштириш ва назорат қилиш бўйича бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини йўналишлари бўйича ишлаб чиқади;

21) Бўлимнинг инспекторлари малакасини тегишли даражада сақлаб туриш (фаолият соҳасидаги дастлабки назарий тренинг, иш жойидаги машғулотлар, инспектор учун махсус тренинг, даврий, узоқ муддатли);

22) Бўлимга тегишли фуқаро ва экспериментал авиациясида содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этади;

23) аэропорт хизматлари ва ФА ташкилотларининг тегишли бўлимларида парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизимларини (ПХБТ) амалга оширади ва бошқаришни назорат килади;

24) ҳаво ҳаракати хизмати ва аэродромлар фаолиятининг йўналиши бўйича хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилади;

25) ҳаво ҳаракати ва аэродромларда парвозлар хавфсизлиги кунларини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини назорат килади;

26) Бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни назорат қилади;

27) қонун хужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга ахборот ва тавсиялар беради;

28) Бўлим инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади.

10. Бўлим мутахассисларининг ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1) Ўзбекистон Республикаси ФА аэродромларига бир марталик парвозларга рухсатнома бериш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужатлар, тартиблари, қоидаларини ишлаб чиқади;

2) бир марталик парвозлар бажариш учун мурожаатларни кўриб чиқади ва рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

3) Ўзбекистон Республикаси ФА аэродромларига хорижий мамлакатлар ФА ҳаво кемалари эксплуатантларига бир марталик парвозни бажариш учун рухсатномалар беради;

4) хорижий мамлакатлар ФА хаво кемалари эксплуатантларининг бир марталик парвозни амалга ошириш учун рухсатнома беришдан бош тортгани ҳақида ўз вақтида хабар беради;

5) Бўлимнинг иш юритилишини олиб боради.

4-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари

11. Бўлимнинг инспектор таркиби куйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ФА корхона ва ташкилотларининг (мулкчилик шаклидан қатъий назар) фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини инспекция текширувларини амалга оширади (бўлимнинг ўз ваколатидан келиб чиқган холда);

2) юкланган вазифалар ва вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда тайёрлайди;

3) тегишли ФА бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотларидан, юридик ва жисмоний шахслардан, бўлимга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур булган масалалар бўйича маълумотлар ва ҳужатларни белгиланган тартибда талаб қилиб олади;

4) Бўлим инспекторлари парвозлар хавфсизлиги устидан назорат олиб боришларида ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

авиация хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя қилиб, агентлик инспектори хизмат гувохномасини тақдим қилган холда ҳаво кемаларига, ФА ташкилотларининг бинолари ва иншоатларига тўсиқсиз кириш, ҳамда хизмат ҳужжатларини текшириш;

зарур бўлган ҳолларда, юридик ва жисмоний шахсларга текширишлар ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни сўзсиз бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш;

ҳаво транспорти органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазоларни қўллашга;

Бўлим ваколати доирасига кирувчи масалалар буйича тушунтиришлар бериш;

Бўлим ваколатларига киритилган масалалар бўйича бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқа қилиш ва ўз ваколатига тегишли бўлган Ўзбекистан Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш;

ҳаво навигацияси, ҳаво қатновини ташкил этиш, диспетчер ва инспекторлар таркиби тайёргарлигини такомиллаштириш, авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисани текшириш масалалари буйича халқаро ташкилотлар, конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этиш;

Бўлим ваколати доирасига кирувчи масалар бўйича ташкилотлар билан ўзаро ёзишмаларни олиб боради;

Бўлим ваколати доирасига кирувчи бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Фаолият соҳасида бўлим мутахассислари ҳаво кема экспулатантларининг гувоҳномасини, ҳаво кемасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини, ҳаво кемасининг парвозга лаёқатлилик гувоҳномасини, экипаж аъзоларининг гувоҳномалари билан боғлиқ маълумотларни иловалари билан белгиланган тартибда сўраш ҳуқуқига эга.

5.-Боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Сертификатлаш ва парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Бошқармаси бошлиғининг тавсиясига асосан, агентлик директорининг буйруғи билан бўлим бошлиғи лавозимига тайинланади ва озод этилади.

14. Бўлим бошлиғи бўлмаган пайтда, унинг вазифаларини тайинланган бўлимнинг бош мутахассис – инспектори бажаради.

15. Бўлим ходимлари ўз вазифаларини бажарадилар ва ўзларининг лавозим йўриқномалари ва иш технологиясига мувофиқ жавобгар бўладилар.

16. Бўлимнинг иши бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланган режаларга мувофиқ амалга оширилади.

17. Бўлим ишининг тартиби агентлик ходимлари учун ички меҳнат қоидалари асосида ташкил этилади.

18. Бўлим бошлиғи ҳар бир ходимнинг ихтисослашувини ҳисобга олиб, бўлимнинг мутахассислари – инспекторлари ўртасида ўз фаолият йўналишлари бўйича бўлим иши

самарадорлигини ва мутахассислар алмашинувини таъминлаш учун жавобгарликларни тенг тақсимлашни амалга оширади..

19. Бўлим мутахассислари авиация ходимлари ва Ўзбекистан Республикаси ФА ўқув юртларининг давлат экспертизаси комиссияларига сертификатларни бериш (узайтириш) вақтида ҳужжатларни кўриб чиқиш учун эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин.

20. Бўлим ходимлари раҳбариятнинг кўрсатмалари ва уларга юклатилган вазифаларнинг лавозим йўриқномалари бўйича бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

21. Инспекторлар таркиби ва бўлим мутахассислари давлат тилини хизмат вазифалари доирасида билишлари керак.

СПХНБ бошлиғи **Т. А. Назаров**

Аэронавигация,ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни назорат қилиш ва парвозларни амалга ошириш учун бир марталик рухсатномалар бериш тўғрисидаги Низомга илова

БЎЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ